

# “ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

## “САМАРҚАНД ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



### УЛГУРЖИ ИСТЕМӨЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

### ШАРТНОМАСИ

**№**

*6-463*

*У*

*Бааркын дөвдөг сурооб  
куффар обласи*

*Ошуккагаш шаар дөбүрүүдү*

УЛГУРЖИ ИСТЕМӨЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "19 январь

Б-453-сон

Олончарен шахар  
(туман(шахар) электр таъминотиши корхонасининг номи)

асосида фаолият юритувчи

Олончарен шахар Олиб мурзуга

(туман(шахар) электр таъминотиши корхонасининг номи)

раҳбари Г. Маматкулов (кейинги ўринларда  
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)“Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Нуозоев асосида фаолият юритувчи Олончарен дарёят мурзиги ғарбузбек  
(истеъмолчининг номи)раҳбари С. Шербозоров (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 90000,0 кВт.с. реактив — кVar.с.2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги тариф бўйича нархи 4500 сўмни, умумий нархи 405000000 сўмни ташкил этади.

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (майший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табакалаштирилган, ўсиб борувчи коэффициент қўлланиладиган ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари ўюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тифиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чикарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофик тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргалиқда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан холда) ёки унинг иштироқисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзib олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича ҳисбот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чикилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида қўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргалиқда ҳисобга олинади.

**3.6. “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.** Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хошишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни қўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармокларидан тўлик узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

**3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисботи асосида белгиланган тартибида ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичida тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини тақдим этилади.**

“Истеъмолчи” турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф қўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-вараги шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар қўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдикланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишини таомиллаштириши чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори)

**3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармокларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми “Истеъмолчи” билан биргалиқда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада қўрсатилади.**

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори кувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидағи электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидағи технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Кайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алокаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг холати ҳакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимида реал вақт режимида юборилишини тъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи” қуидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида худудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёритичларини, электр иситиш ва иссик сув билан таъминлаш курилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан коидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуидаги ҳоларда аҳоли учун белгиланган тарифларга tengлаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турад жойдан

бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси хақини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1. Истеъмолчи қуидаги ҳуқуқларга эга:**

“Истеъмолчи”нинг электр қурилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

##### **4.2. “Истеъмолчи” қуидагиларга мажбур:**

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекциясининг”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда “Таъминотчи корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниклашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”нинг талабига кўра куйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳакида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юкорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиши;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил килиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниклаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниклаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажарishi шарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

#### 4.3. “Таъминотчи корхона” куйидаги хуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узиб кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. “Таъминотчи корхона” қўйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктиримай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳакида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи”да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

### V. ТОМОНЛАРНИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тараflар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, “Таъминотчи корхона” бунинг

натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараённида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмагандан, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равища, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

## VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 20 22 йил 31-декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равища юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равища амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хуқукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### ИСТЕМОЛЧИ:

Юридик манзили Олий мақаласида оларни таъсирлаштириладиган Истеъмолчилар учун:  
 Ҳисобрақами 100021860184012082200245001  
 Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201007767  
 Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялашириладиган Истеъмолчилар учун:  
 Бюджет фондининг ҳисобрақами 400021860184012082200245001  
 Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201007767  
 Бюджетдан ташқари фондининг ҳисобрақами 400121860184012082200245001  
 Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201007767

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_ e.mail: \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уали, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақами \_\_\_\_\_

### Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) 910 20  
 DBIBT (СООГУ) 15730 626  
 МНОВТ (СОАТО) \_\_\_\_\_  
 (КФС) 213  
 TSHK (КОПФ) 270

### ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили Сада. №. 8. Телевизор 57  
 Ҳисобрақами 22636 000 4026 1140 4396  
 Банк коди (МФО) 00 317 STIR (ИНН) 200 0135 20  
 ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ) —  
 МНОВТ (СОАТО) —

Истеъмолчи:

Олий мақаласида оларни таъсирлаштириладиган Истеъмолчилар учун.  
 М.У. иззо, лавозими, Ф.И.Ш.  


Таъминотчи корхона:



М.У. иззо, лавозими, Ф.И.Ш.

Мазкур электр энергияни фойдаланиш шартномаси \_\_\_\_\_ юристконсульт


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли карори талабларига мувофик тузилган. Томондар ўтасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчилик талаблари монийлик кильмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида" ги конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чикиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўтасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўтасидаги низоларни ҳал килиш тартиби белгиланган.

Юристконсульт

Юристконсульт:

(имени)

Родиков А.

  
 00572

## Электр таъминотининг шартномасига

1 - илова

## Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи IV
2. Фаолият тури Буржиг
3. "Истеъмолчи" электр курилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) 4
6. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) \_\_\_\_\_
7. Хисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	<u>90000,0</u>	<u>90000,0</u>	—	—	—
Январь	<u>30000,0</u>	<u>30000,0</u>	—	—	—
Февраль	<u>30000,0</u>	<u>30000,0</u>	—	—	—
Март	<u>30000,0</u>	<u>30000,0</u>	—	—	—
Апрель	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Май	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Июнь	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Июль	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Август	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Сентябрь	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Октябрь	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Ноябрь	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—
Декабрь	<u>—</u>	<u>—</u>	—	—	—

Ташкилот кунига фойдаланади 8 соат, ойга 26 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I \_\_, II \_\_, III \_\_

Истеъмолчи



Таъминотчи корхона

M. Ў (Signature)  
Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

**Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари**

“Истеъмолчи”нинг (суб)“Истеъмолчи”нин г) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори раками	Ҳисобга олиш прибори клемма коткогидаги пломбанинг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткича ри ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			
02198147120								
023190060562								
0241999010333								
024199010957								
024199010928								
024199010842								
024199010920								
021190659398								
CE303009059908								
023190060561								
023198013929								
36491325-18								

Имзолар:

Истеъмолчи:

M. Ў.

(Имзо)

Таъминотчи корхона:

M. Ў.

(Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига  
3 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ; Xар бир электр энергияси ҳисобга олиши прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

Ҳисобга олиши прибори давлат рақами 0195 ток трансформатори кучланиш  
трансформатори жами кофициент уланган қуввати кВт

Ҳисобга олиши прибори ўрнатилган манзил

1. Тариф гурухи IV Фаолият тури шахар, кфий, мфий, кўча уй рақами  
Труба ишил. чик, Шлакоблок, Гипит, Пленка ишил чик, Акфа цехи, Насос, Савдо, Кафе., Ошхона, Устахона ва...???

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қуидаги электр курилмалар мавжуд:

a) ҳаво электр тармоғи

б) кабель электр тармоғи

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП раками ,, кВА

2. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича  
mansublik chegarasi Дөнор бебо ишомбадаш

ислом ҳамо ғарбат

3. Улардан қуидагиларга:

a) Хозяйство юзга бояд

б) Шарбатонек асоси ёз

“Истеъмолчи” билан тузилган “Техник хизмат кўрсатиш” № сана й.  
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат  
кўрсатилади. “Техник хизмат кўрсатиш” шартномаси тузмаса тумонидан хизмат  
тумонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик  
чегараси қуидагича белгиланди:

бончак



Таъминотчи корхона

М.Ў.

Вакиллар:



(имзо)

(имзо)

С. Сеътбагаев (Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

Электр таъминотининг шартномасига  
4 - илова

### Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуидагиларга ҳисобланади:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишилари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишилари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

#### Имзолар:

**Истеъмолчи:**  
С. М. Ў. (Имзо)

**Таъминотчи корхона:**  
М. Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига  
5-илова

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ**

20 29 йил ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «  » 20    йил.

Уланган жой номи; хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсатгичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрталабки тифиз вакт	Кун	Кечки тифиз вакт	Тун		
								соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
Жами													

Изоҳ: 7<sub>устун</sub> = 6<sub>устун</sub> - 5<sub>устун</sub>, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками 8<sub>устун</sub> = 7<sub>устун</sub> \*4<sub>устун</sub>,  
8<sub>устун</sub> = 9<sub>устун</sub> + 10<sub>устун</sub> + 11<sub>устун</sub> + 12<sub>устун</sub> + гр13<sub>устун</sub>;

**Истеъмолчи раҳбари**

Таъминотчи корхона энергетиги



Ф.И.Ш.имзоси

Ф. И. Ш.имзоси



**Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими****1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати**

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Кўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

**ИЗОҲ:** авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир хисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган кувват коэффициентининг оптимал миқдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади.

Тарифга устама кўшилган қиймат солиги хисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий киймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан кўллаб-кувватламаслиги аникланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техникиқтисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан кўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблағни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл кўйилганлиги тўғрисида “Ўззнергоинспекция”нинг тасдикови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил килганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол килинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, такдим этилади.

Чегирма кўшилган қиймат солиги хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.



Истеъмолчи:

М.Ү.



Таъминотчи корхона:

М.Ү.

Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки кисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/р №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг).

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узуб куйилади.

T/р №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситии тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда кўриқлаш ёритгичлари электр тармогидан узилмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:



## Б-453-шартномага ИЛОВА

2021 йил учун етказиб бериладиган энергия (кувват)нинг микдори

Квартал, месяцы	Электр энергия, минг кВт/с	нархи	суммаси
<b>Жами йиллик</b>	<b>90000,00</b>		<b>40 500 000,0</b>
<b>1-чорак</b>	<b>90000,000</b>		<b>40 500 000,0</b>
Январ	30000,0	450,00	13 500 000,0
Феврал	30000,0	450,00	13 500 000,0
Март	30000,0	450,00	13 500 000,0
<b>2-чорак</b>	<b>0,000</b>		<b>0,0</b>
Апрел			0,0
Май			0,0
Июн			0,0
<b>3-чорак</b>	<b>0,000</b>		<b>0,0</b>
Июл			0,0
Август			0,0
Сентябрь			0,0
<b>4-чорак</b>	<b>0,000</b>		<b>0,0</b>
Октябрь			0,0
Ноябрь			0,0
Декабар			0,0

**"Ижрочи"****Сам. Электр тармоклари****Темирйул энергосотиш булинмаси**

Наименование организации

(Подпись)

(Ф.И.О.)

М,П

**Буюртмачи****Самарканд давлат музей-курикхонаси****С.Мустафокулов**

(Подпись)

М,П

